

АЙБСИЗЛИК ПРЕЗУМПЦИЯСИДА ШАХС ПСИХОЛОГИЯСИНИНГ АҲАМИЯТИ

Хусанов Улфатбек Баходирович

Шароф Рашидов номидаги СамДУ

Халқаро таълим дастурлари факультети талабаси

husanovulfatbek@gmail.com

Жуманазарова Асал Рустамбай қизи

Шароф Рашидов номидаги СамДУ

Психология ва ижтимоий-сиёсий фанлар факультети талабаси

jumanazarovaasal8@gmail.com

Аннотация: Ушбу мақола айбсизлик презумпцияси ва шахс психалогияси ҳамда ҳуқуқий психалогик онг уларни ўрганиш ва дарсликлар ишлаб чиқиш орқали фуқароларда айникса ёшларда ҳуқуқий психалогик билим ва кўникмаларни шакиллантириш орқали уларда ҳуқуқий ва психологик маъданиятни ривожлантириш мумкунлиги ҳақидаги маълумотлар ва таклифлардан иборат.

Калит сўзлар: Айбсизлик презумпцияси, субъект, ҳуқуқий онг, психалогик онг, шахс психалогияси, ҳуқуқ соҳалари, норма, генетик жиҳат, коррупция, айб презумпцияси, тамойил.

Аннотация: Данная статья состоит из сведений и предложений о возможности развития правовой и психологической культуры у граждан, особенно молодежи, путем формирования правовых психологических знаний и умений, путем их изучения и разработки учебников.

Ключевые слова: Презумпция невинности, субъект, правосознание, психологическое сознание, психология личности, правовые поля, норма, генетический аспект, коррупция, презумпция виновности, принцип.

Annotation: This article consists of information and suggestions about the possibility of developing legal and psychological culture among citizens, especially young people, by forming legal psychological knowledge and skills, by studying them and developing textbooks.

Key words: Presumption of innocence, subject, legal consciousness, psychological consciousness, personality psychology, legal fields, norm, genetic aspect, corruption, presumption of guilt, principle.

Айбсизлик презумпцияси - бу субъектнинг ҳуқуқий онг салоҳиятидан фойдаланиш, унинг ҳаракатларини тушуниш ва бошқариш қобилиятини ривожлантириш, оқибатларини олдиндан билиш ва жавобгарликни ўз зиммасига олишга тайёр бўлиш, бу давлат ва жамият томонидан ишонч билан рағбатлантирилади. Айбсизлик презумпциясининг умумий ҳуқуқий табиати расмий соҳалардаги ҳуқуқ соҳаларида махсус норма сифатида намоён бўладиган ихтисослашган нормалар тўплами сифатида ифодаланади. Айбсизлик презумпцияси - бу субъектнинг ҳуқуқий онг ва салоҳиятидан фойдаланиб, унинг хатти-ҳаракатларини, психологиясини тушуниш орқали унинг психологик ҳолатини ўрганишдан иборат. Ҳуқуқ субъекти виждонлигининг дастлабки принципи билан генетик жиҳатдан боғлиқ бўлган айбсизлик презумпцияси аслида қонуний хатти-ҳаракатларда ўзини намоён қилади. Агар субъект ҳуқуқбузарлик содир этган бўлса, демак у жиноятчи мақомига эга, шунинг учун бу ерда айбсизлик презумпцияси мумкин бўлган айб презумпциясига айланмиши (масалан, давлат хизматчилари учун коррупция айблови қўйилган тақдирда бир қатор тақиқлар ва чекловлар пайдо бўлади); агар субъектнинг айби исботланса ва унга қонуний жавобгарлик чораси тайинланса, айбсизлик презумпцияси айб презумпциясига айланади. Ҳар қандай чеклов чоралари айбсизлик презумпциясини чеклашдир. Айбсизлик презумпциясининг реал амалга оширилишини таъминлаш унинг қонунчилик даражасида инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини максимал даражада рўёбга чиқаришга имкон берадиган бошқа ҳуқуқий воситалар ва усуллар билан ўзаро таъсирининг самарадорлигини аниқлаш учун янги усуллар, воситалар ва мезонларни яратишни талаб қилади. Айбсизлик презумпцияси бир қатор қонунчилигимизда тушунчаси келтирилиб, мустаҳкамланиб қўйилган. Жумладан: Бош қомусимиз ҳисобланмиш Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг амалдаги таҳририда ва янгиланаётган таҳририда[2] ҳам ўз ифодасини топган. Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошқора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилди. Айбсизлик презумпцияси бу бир сўз билан айтганда, айбдорнинг жинояти қонуний тартибда исбот қилинмагунча, уни айбсиз деб фарз қилиш. Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи унинг жиноят содир этишда айбдорлиги қонунда назарда

тутилган тартибда исботлангунга ва қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқлангунга қадар айбсиз ҳисобланади. Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаб бериши шарт эмас ёки ўзини айбдор деб кўрсатиш ҳам қонунда белгиланган тартибда айби исботланмагунча уни айбдор деб бўлмади. Бундан ташқари Жиноят қонунчилигида ҳам шунга ўхшаш жумлалар келтирилган. Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 23-моддасида - гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи унинг жиноят содир этишда айбдорлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботлангунга ва қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқлангунга қадар

айбсиз ҳисобланади деган норма билан мустахкамланган. Айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имконияти тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозим. Қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши керак.

Оиладаги зўравонлик, одам савдоси, безорилик, коррупция, солиққа оид фирибгарлик, тиббий носозлик ва бошқа шунга ўхшаш жиноятларнинг асл кўламини ҳеч қачон билиб бўлмаганидек, биз ёлгон айбланган ва судланганларнинг ҳақиқий кўламини билмаймиз. Уларнинг айбдорлари статистика идорасига ҳисобот тақдим этмайди. Бизнинг ихтиёримиздаги рақамлар айсбергнинг фақат бир учи. Бизни асоссиз айбланган шахс бўлиш ва шу тариқа хавфсизликни тўлиқ йўқотиш эҳтимоли номаълум.[3]

Айбсизлик презумпцияси принципи, қонуннинг умумий тамойилларидан бири бўлиб, айти пайтда ҳалол ва жамоат субъекти ҳуқуқлари ва эркинликларининг энг муҳим кафолати бўлиб, умуман олганда, шахснинг ҳуқуқий мақомини таъминлайди, бу унинг универсал мақсади ва назарий ва ҳуқуқий мазмуни билан боғлиқ бўлиб, у ҳуқуқлар, эркинликлар орқали намоён бўлади. Биз шахс психологиясини ўрганмай туриб унинг айбсизлигини топа олмаслигимиз ёки хато қилишимиз мумкин. Ирландиялик физик ва сиёсатчи Эдмунд Буркнинг битта машҳур ибораси бор: “Ёмонликнинг галабаси учун зарур бўлган ягона нарса - яхши одамларнинг ҳеч нарса қилмаслигидир”. Шундай экан, фуқароларда қанчалик ҳуқуқий онгини ривожлантурсак, уларда ўз ҳаққини талаб қилиш хисси янада ошади ва қонун доирасида иш кўриш лаёқати шаклланади. Фаол фуқаролик жамиятини ҳам шундагина кура оламиз. Шунинг учун ҳозирги вазият ва имкониятлардан келиб чиқиб шундай таклифни илгари сурмоқчимиз. Яъни таълим муассасаларида, айниқса, олий таълимнинг барча босқич талабалари учун **“Шахс психологияси ва унинг ҳуқуқий ҳолати”** номли дарслик ишлаб чиқиб, дарс ўтиш амалиётини йўлга қўйсақ, ўйлаймизки,

ёшларни ва фукароларимизни психологик ҳамда ҳукукий онгини ошириб уларда етарлича билим ва кўникма хосил қилган бўламиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. “Шахс психологияси” ўқув қўлланма- Шохиста Шойимова, Тошкент- 2017-йил “LessonPress” нашриёти
2. https://meningkonstitutsiyam.uz/konstitutsiya_uz.pdf
3. Duncan, C., "Adolatni oqlash: noto‘g‘ri hukmlarning olti omili va ularning echimlari", "Femida: Adliya tadqiqotlari va sud ekspertizasining tadqiqot jurnali"